



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Абдуллаев Нурлан Полатович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 316-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17532282>

ARTICLE INFO

Received: 1st November 2025
Accepted: 2nd November 2025
Published: 5th November 2025

KEYWORDS

Профилактика
инспектори, тақиқланган
экинлар, жиноятларнинг
олдини олиш, қонунчилик,
профилактика тадбирлари,
амалиёт.

ABSTRACT

Мақолада профилактика инспекторлари фаолиятида тақиқланган экинлар етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинади. Ушбу мақолада жорий қонунчилик ҳужжатлари, профилактика тадбирлари ва инспекторлар фаолиятини мувофиқлаштириш йўналишлари ўрганилиб, самарали қонунни қўллаш ва жиноятларни профилактика қилишнинг усуллари кўриб чиқилади.

Ҳозирги пайтда жамиятдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, профилактика инспекторлари фаолиятида тақиқланган экинлар етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Тақиқланган экинларни ноқонуний равишда етиштириш нафақат қонун устуворлигига таҳдид солади, балки аҳоли саломатлиги ва экологик барқарорликка салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги

813-И-сонли Қонуни тақиқланган экинлар ва улардан олинadиган моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш механизмларини белгилайди, жиноятлар профилактикасини ҳуқуқий асосларда тартибга солади. Ушбу қонун доирасидаги нормалар профилактика инспекторлари учун ҳуқуқий мезонларни аниқлайди ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш имконини беради [1].

Шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2024 йилдаги ПФ-73-сонли Фармони** мамлакатда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали аҳоли саломатлиги ва генофондига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этишга қаратилган стратегик чора-тадбирларни белгилайди. Фармонда аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизлар орасида гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантириш, психофаол моддалар

тарқалишининг олдини олиш ва тиббий-даволаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган [2].

Бундан ташқари, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисидаги**

ПФ-158-сон Фармони ва унда тасдиқланган Миллий стратегия 2024–2028 йилларга мўлжалланган гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари профилактика инспекторлари учун амалий қонунчилик ва ташкилий механизмлар базасини яратади. Бу стратегик ҳужжатлар профилактика тадбирларини ривожлантириш, жиноятларнинг олдини олиш ва инспекторлар фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга [3].

БМТнинг берган маълумотларига асосан, дунё бўйича 200 миллион одам гиёҳванд моддаларни истеъмол қилади. Гиёҳвандликка боғлиқ қолганлар эса 25 миллион нафарни ташкил этади. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистонда гиёҳвандларни рўйхатга олиш йилдан йилга камаймоқда. Статистик маълумотларга кўра, Европа мамлакатларида рўйхатга олинган 14 миллион нафар гиёҳванднинг 2 миллион нафари ОИТС касаллиги билан ҳам касалланган. Гиёҳвандлар ўртасида битта шприц орқали бир неча киши наркотик воситани томирга жўнатиш ва айни шу йўл билан ОИТС тарқатаётгани хавфнинг нақадар ваҳимали эканлигини белгилайди. Қолваерса, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 450 миллион одамнинг руҳий ва хулқий бузилишига йўлиқиши ҳам айни шу иллат билан боғлиқ экан.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг, 28.04.2017 йилдаги 12-сон “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра шундай дейилган [4].

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни қонунга хилоф равишда етиштириш учун ЖК 270-моддаси билан жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

Етиштирилиши тақиқланган экин экиш деганда, бундай экинлар уруғини тегишли рухсатсиз ҳар қандай ер майдонига, шу жумладан, бўш ётган ерларга ёки мослаштирилган идишларга уруғини сепиш ёки кўчатини ўтқазиш тушунилиши лозим. Ушбу жиноят ўсимлик униб чиққан-чиқмаганлиги ёки ўсган-ўсмаганлигидан қатъи назар, экин экилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Айбдорнинг ҳаракатлари экин майдони ўлчамидан келиб чиққан ҳолда ЖК 270-моддасининг тегишли қисмлари билан квалификация қилинади, бунда қилмишни ушбу модданинг биринчи қисми билан квалификация қилиш учун экин майдонининг ўлчами 250 квадрат метрдан кам бўлиши керак.

Тақиқланган экинларни етиштириш деганда, униб чиққан ёки ўтқазилган кўчатларни уларнинг пишиш босқичигача бўлган давр ичида парвариш қилишни тушуниш керак. Агар шахс етиштирилиши тақиқланган экинни турли майдонларда ўстираётган бўлса, қилмишни квалификация қилишда амалда экилган умумий майдонлар ўлчамидан келиб чиқиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар айланмаси устидан қатъий давлат назорати ўрнатилган бўлиб, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар жамият хавфсизлигига жиддий таҳдид солувчи омиллардан ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддасида қонунга хилоф равишда тақиқланган экинларни — кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги, шунингдек таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган бошқа ўсимликларни экиш ёки етиштириш учун жиноий жавобгарлик белгиланган [5].

Мазкур экинлар билан боғлиқ ҳуқуқий тартибга солиш тизими Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сон қарори [6] билан янада такомиллаштирилган. Ушбу қарор орқали 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарорга ўзгартиришлар киритилиб, Ўзбекистон Республикасида муомаласи тақиқланган гиёҳвандлик воситалари, муомаласи чекланган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, шунингдек айланмаси чекланган прекурсорлар рўйхатлари тасдиқланган [7]. Бу рўйхатлар мамлакат ҳудудида гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ назоратни ҳуқуқий асосда таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси **Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони** жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги концептуал ёндашувни белгилаб берган бўлиб, унда гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг етиштирилишига қарши курашиш устувор вазифалар қаторига киритилган [8]. Мазкур ҳужжатда профилактика инспекторларининг фаолиятига доир вазифалар аниқ белгиланган: уларнинг асосий вазифаларидан бири — ҳудудда тақиқланган ўсимликлар етиштирилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш, бу ҳақда тегишли идораларга хабар бериш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда жиноятларнинг олдини олишдир.

Профилактика инспекторлари фаолиятида тақиқланган экинлар билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Қонунчиликдаги нормаларнинг ижро этилиши, инспекторларнинг аҳоли билан ҳамкорлиги ва тарғибот-тарбиявий ишлари ушбу йўналишда самарали профилактика тадбирларини таъминлайди.

Амалиётда, ноқонуний экинлар етиштириш ҳолатлари кўпинча қишлоқ ҳудудларида ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ соҳаларда учрайди. Шу боис инспекторлар нафақат қонун бузилишини аниқлаш, балки аҳоли орасидаги хабарлар ва мурожаатлардан фойдаланиб профилактика тадбирларини амалга оширишлари зарур.

Илғор хорижий тажрибаларга қаралса, профилактика ишлари фақат жиноят содир бўлганидан кейин эмас, балки олдиндан, аҳоли билан тарғибот, маслаҳат ва тушунтириш ишларини олиб бориш орқали самарали бўлади. Масалан, давлатлар гиёҳвандликка қарши тарғиботда ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратади, аграр ҳудудлардаги фермерлар учун қонуний екин турлари ва уларни етиштириш тартибини кенг тарғиб қилади.

Шунингдек, профилактика инспекторлари учун тизимли таҳлил ва статистика муҳим аҳамиятга эга. Ноқонуний экинларнинг тарқалиш ҳолатлари, уларнинг ҳудудий хусусиятлари ва жиноятчилик билан боғлиқлиги таҳлил қилинади. Бу эса инспекторларга самарали ҳаракат қилиш ва профилактика тадбирларини мақсадли ташкил этиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813-И-сонли Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2024 йилдаги ПФ-73-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг, 28.04.2017 йилдаги 12-сон «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида» 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида” қарори, 27.10.2018 йилдаги 878-сон қарори.
7. Ушбу қарор орқали 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарор.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони

